



ЗАМОНАВИЙ МОДА СОҲАСИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Ф.С.Абдуллаева

Камолиддин Беҳзод номидаги МРДИ
“Либос дизайни” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: Сўнгги йилларда замонавий мода соҳасини тадқиқ этишда соҳанинг санъат, саноат, иқтисодиёт ва таълим тизимлари билан интеграцияси доирасида аҳамиятли бўлган устувор аспектларни ёритиш эътиборли ўринга эга бўлиб бормоқда. Мақолада замонавий мода тамойиллари асосида яратилаётган либос тўпламларига жамият аъзоларининг муносабатлари, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмлари ҳақидаги илмий тадқиқотларнинг маданиятшунослик, социология, маданий антропология, фалсафа, мода танқидчилиги соҳалари доирасида олиб борилган тадқиқотлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мода соҳаси, глобализация, миллий ва замонавий костюм комплекси, “от кутюр”, “прет-а-порте”, винтаж, этно, субмаданий услублар, мода индустрияси

Аннотация: В последние годы исследование современного модного сектора в контексте его интеграции с искусством, промышленностью, экономикой и образовательными системами становится все более актуальным. В статье рассматриваются научные исследования, посвященные отношениям членов общества к коллекциям одежды, создаваемым на основе современных модных тенденций, а также механизм их возникновения и развития. Освещены



исследования в области культурологии, социологии, культурной антропологии, философии и критики моды.

Ключевые слова: мода, глобализация, костюмные комплексы национального и современного костюма, концептуальная мода, тенденция, сюрреализм, современные тенденции моды, “от кутюр”, “прет-а-порте”, винтаж, этно, субкультурные направления, индустрия моды

Abstract: In recent years, the study of the modern fashion sector in the context of its integration with art, industry, economy, and educational systems has become increasingly relevant. The article examines scientific research dedicated to society's attitudes toward clothing collections created based on contemporary fashion trends, as well as the mechanisms of their emergence and development. Research in the fields of cultural studies, sociology, cultural anthropology, philosophy, and fashion criticism is highlighted.

Key words: fashion, globalization, costume complexes of national and modern costume, conceptual fashion, trend, surrealism, modern fashion trends, haute couture, prêt-à-porter, vintage, ethno, subcultural trends, fashion industry

Мода жамиятнинг маданий-маънавий юксалиш жараёнлари мобайнида эришилган тажриба ва ютуқларни оммалаштиришнинг универсал воситасидир. Шу маънода, мода тушунчаси нафақат либос лойиҳалаш, балки жамият маданий ҳаётининг барча жабҳалари - тасвирий ва амалий санъат, меъморчилик ва айниқса, жамият аъзолари кийиниш маданиятида урфга кирувчи мода тенденцияларининг мунтазам янгилашишлари доирасида яққол намоён бўлади.

Костюм лойиҳалаш жараёнларига таъсир кўрсатган модага хослик принципларининг юртимизда шаклланиши жараёнлари ўрта асрлардан то XIX асрнинг сўнгги даврларига қадар элитар қатлам либосларида ўз ифодасини топган



бўлса, ушбу аср сўнги 10 йиллигидан то шу кунга қадар аста-секин, жамиятнинг барча қатламлари кийиниш маданиятини қамраб олган ҳолда, унинг оммавий таъсир кўрсатиш функциясига эга бўлишига хизмат қилиб келмоқда.

Бугунги кунда замонавий мода тамойиллари асосида яратилаётган либос тўшамларига жамият аъзоларининг муносабатлари, уларнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш механизмлари ҳақидаги илмий тадқиқотлар маданиятшунослик, социология, маданий антропология, фалсафа, мода танқидчилиги соҳалари доирасида М.Яковлева, О.Калашникова, С.Клубникина сингари кўплаб мутахассислар фаолиятида ўз аксини топиб келмоқда.

Хусусан, жамиятнинг маданият ва санъат соҳаларига киритиладиган замонавий тенденцияларни таҳлил қилиш ва прогнозлаш тизимларини ўрганиш масаласи М.Яковлеванинг “Методологические основания прогнозирования моды” [1] номли илмий тадқиқотида акс этган. Мазкур тадқиқотда “постмодернизм” атамаси билан тавсифланувчи замонавий маданий воқеъликларни тадқиқ этишнинг методологик принциплари ёритилган. Шунингдек, муаллиф тадқиқотида мода соҳасини тадқиқ этишда эътиборли аҳамият касб этувчи глобализация ва локал хусусиятлар, оммавийлик ва элитарлик орасидаги қарама қаршиликларни бартараф этиш масалалари тизимли ўрганилган. Ҳамда, бугунги кун санъат ва маданиятининг ажралмас қисмига айланиб бораётган виртуаллашув ва визуаллаштириш жараёнлари Ғарбнинг етакчи олимлари илмий изланишларида ўз аксини топган хулосалар асосида ёритилган.

Бугунги кунда мода соҳасининг маданий аспектларини тадқиқ этиш муаммолари П.Бурдые, А.Макробби, П.Асперс, Ю.Кавамура сингари мутахассисларнинг замонавий моданинг – “Мода маданий индустрия сифатида”, “Юқори мода-юқори маданият” сингари концепциялари ҳамда, М.Галитбарова [2] тадқиқотида ўрганилган. Муаллиф мода соҳасини тадқиқ этиш бўйича дискурсив амалиётларнинг кўп қирралигини таъкидлаган ҳолда, мода феноменининг тавсифига тарихий контекст асосида ёндошган. Шунингдек, М.Галитбарова тадқиқотида



моданинг тузилиши ва моҳиятини маданий контекст доирасида ўрганиш давомида – мода тили, модага хос одатлар ва дидни шакллантириш, мулоқотлар жараёнида пайдо бўлувчи услуб ва имидж маркерларининг моҳияти, турли давлат ва халқлар костюмининг архитектуралар ва тектоник шакллари “Мода – маданият” назарияси асосида тадқиқ этилган.

М.Михеевнинг “Костюм как социальное явление” [3] номли тадқиқотида ўз аксини топган - костюм тушунчасининг мантиқан яхлит бир тизим сифатида шахс ёки муайян этник типнинг индивидуаллигини ифодалашга хизмат қилиши, шу сабабли уни маданият ёки цивилизацияни тавсифловчи мураккаб тизимнинг энг муҳим элементи сифатида тавсифлаш зарурлигига оид илмий қарашлар миллий ва замонавий костюм комплексини тизимли ўрганишда эътиборли ҳисобланади.

Моданинг иқтисодий аспектиларини тадқиқ этиш бўйича Т.Сергиевич¹ [4], А.Эльканова, Г.Мараховскаялар [5] тадқиқотларида мазкур соҳанинг иқтисодий алоқалар доирасидаги ўрни, тенденциялари, “от-кютюр”, “прет-а-порте”, “бридж”, “оммавий мода”, “эконом класс” маҳсулотларидан ташкил топган объекти ҳамда, дизайнерлар, хом ашё етказиб берувчи тадбиркорлар, мода истеъмолчиларидан иборат субъекти ўртасидаги тизимли алоқалари, уларнинг локал мода брендлари фаолиятига интеграцияси ўрганилган.

Т.Демина тадқиқотида мода индустрияси иқтисодиётнинг мустақил сектори сифатида тадқиқ этилган [6]. Мазкур тадқиқотда модага хос либос ва аксессуарларни ишлаб чиқарувчи кичик бизнес секторининг босқичма-босқич оммавий ишлаб чиқариш тизимига айланиши натижасида маҳсулотларни лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, сотиш ва фойдаланиш тизимларини шакллантирилганлиги, унга ёндошган секторларни қамраб олувчи соҳа вужудга келишини таъминлаганлигига доир хулосалар қайд этилган. Муаллиф бу жараёндаги эътиборли воқеълик сифатида мода иқтисодиётини “от кютюр” ва “прет-

¹ Сергиевич Т. “Мода как объект экономического исследования”, “Экономическая система общества, культура, мода: категориальный субординационно-онтологический анализ”.



а-порте” маҳсулотлари асосида таснифланишини таъкидлаган ҳолда, мазкур йўналишдаги амалий фаолиятларни тизимли тадқиқ этган.

Parsons мода мактаби профессори, дизайнер Л.Волпинтеста [7] тадқиқотида замонавий мода соҳасида актуаллик касб этаётган “шахсийлаштириш” тамойили амалиётига доир масалалар ўрганилган. Мазкур монографик манба 26 бўлимдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирида мода соҳасининг алоҳида принциплари тадқиқ этилган. Муаллиф мода соҳасининг маълум бир қонуниятларини - тарихий маълумотномалар тақдим этиш, дизайнерларнинг либос тўплamlарини таснифлаш, таниқли дизайнер мутахассисларининг ўз брендлари ҳақидаги шахсий фикр мулоҳазалари асосида хулосалар шакллантириш ва ушбу мутахассисларнинг профессионал-ижодий тажрибаларининг солиштирма таҳлили каби тадқиқот усулларидан фойдаланган.

Замонавий мода соҳасига кенг таъсир кўрсатиб келаётган глобализация жараёнлари ва ушбу омил таъсирида шаклланган “маданий ва ижтимоий трендларга мослашув”, “тезкорлик ва мижоз эҳтиёжларига мослашув”, “шахсийлаштириш” тамойилларини тадқиқ этиш бўйича Ж.Васильева [8], Е.Малышева [9] тадқиқотларини келтириш мумкин. Мазкур тадқиқотларда мода соҳасининг антиглобализацион йўналишларидан бўлган винтаж, этно ва субмаданий услублар тизимли тадқиқ этилган. Хусусан, бу жараёнда мода соҳасида глобализацион ва антиглобализацион тенденцияларнинг аста секинлик билан яқинлашувига таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам мазкур тадқиқотларда ўз аксини топган.

Д.Кручинина тадқиқотида XXI аср мода соҳаси ривожига глобал таъсир кўрсатиб келаётган “барқарор мода” (sustainable fashion) тамойили тадқиқ этилган [10].

Сўнгги йиллар замонавий мода трендларини ўзида акс эттириб келаётган костюм лойиҳалашдаги устувор тамойиллар либос дизайнерлари ижодининг ўзига хослигини шакллантирувчи омил вазифасини ўтамоқда.



Шу билан бир қаторда мода индустрияси жамият аъзоларининг интеллектуал ва ижтимоий маданиятига ўз таъсирини кўрсата оладиган янги ғоялар асосидаги лойиҳалаш методларини амалга тадбиқ этиш масаласига ижобий ечим топиш мақсадларини ҳам кўндаланг қўймоқда. Жумладан, дунёдаги ижтимоий-маданий муносабатлардаги кескинлашув мавжудлиги, бугунги кунда мода индустрияси соҳасида аксинча, либосларнинг устувор ахлоқийлик тамойиллари кесимидаги шакл ва моҳияти ўзаро мувофиқлигини талаб этмоқда.

Адабиётлар рўйхати:

1. Яковлева М. Методологические основания прогнозирования моды. 2007. Развитие моды в условиях кризиса. 2010. <https://cyberleninka.ru/>
2. Галитбарова М. Мода как явление культуры. <http://www.dslib.net/teorja-kultury/moda-kak-javlenie-kultury.html>.
3. Михеева М. “Костюм как социальное явление”.
<https://cyberleninka.ru/article/n/kostyum-kak-sotsialnoe-yavlenie>
4. Сергиевич Т. “Мода как объект экономического исследования”, “Экономическая система общества, культура, мода: категориальный субординационно-онтологический анализ”.
5. Эльканова А., Мараховская Г. Особенности предпринимательства в индустрии моды.
6. Демина Т. Индустрия моды как самостоятельный сектор экономики. <https://cyberleninka.ru/article/n/industriya-mody-kak-samostoyatelnyy-sektor-ekonomiki>. – с. 13.
7. Волпинтеста Л. Как понимать язык моды. - М.: Эксмо, 2014.
8. Васильева Ж. Влияние процессов глобализации на fashion-индустрию.
<https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-protssesov-globalizatsii-na-fashion-industriyu>.



9. Малышева Е. Влияние процессов цифровизации и глобализации на развитие мирового и российского рынка моды. <https://cyberleninka.ru/article/n/vliyanie-protsessov-tsifrovizatsii-i-globalizatsii-na-razvitie-mirovogo-i-rossiyskogo-rynka-mody>.
10. Кручинина Д. Устойчивая мода в современном научном дискурсе: исследовательские подходы. <https://cyberleninka.ru/article/n/ustoychivaya-moda-v-sovremennom-nauchnom-diskurse-issledovatelskie-podhody>.